9.00, 19.30 REN TV да «Fox Kids». «Икс-мен». Мультсериал (AKU).

8.00 Мультфильм: «Степанов».

8.00 Мультфильм: «Степанов».

Шанба

8

19.05 «Конституция — менинг тақдиримда». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болалар экрани.

9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «Дурақнинг оғинаси».

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05 «11.30» Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

5.50, 6.50, 7.50, 8.50, 20.35, 23.00 «Вести» — Москва.

6.50 Тонги комедия. «31 июль».

10.00 «Обломов ҳайвони бир неча кун».

6.40 Бизнинг кино. Л. Федосова-Шушмина.

6.50 Тонги комедия. «31 июль».

10.00 «Обломов ҳайвони бир неча кун».

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.50, 21.00, 24.00 «Бугун».

6.40 Бизнинг кино. Л. Федосова-Шушмина.

10.00 «Обломов ҳайвони бир неча кун».

18.05 «Антарктикада повесть». Бадий фильм.

6.40 Бизнинг кино. Л. Федосова-Шушмина.

10.00 «Обломов ҳайвони бир неча кун».

9.00, 19.30 REN TV да «Fox Kids».

6.40 Бизнинг кино. Л. Федосова-Шушмина.

10.00 «Обломов ҳайвони бир неча кун».

Якшанба

9

5.30 Рамазон тўғаси. 5.50 «Айта хавт бағишлаб». Телефильм. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Абборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодасур. 9.05 «Ҳаройбот». 9.25 - 11.20 ТВ метро. 9.30 «Роки ва унинг дўстлари». Мультсериал. 10.00 «Ватанимга ҳикमत қиламан».

7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 «Дарг тонги». 9.00 «Янги авлод» студияси. «Буш уприка». 9.20 Табобат оломиди. 9.40 Футбол лигаси. 10.00 «Парле ва Франсе». 10.15 Болалар экрани. «Олтин занжир». 11.40 «Ешлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури. Марди майдон. 12.00 Очил дастурон. 12.15 Мусикий паказлар. 12.25 Ешлар овози. 12.45 «Кулги қирол». Бадий фильм. 14.30 Қишлоқдаги тенгшом. 14.50 Интернет-футбол. 16.45 Мусикий паказлар. 16.55 Internet-Осиё. 17.10 Спорт ҳафтаномаси. 17.25 Кўрсатувлар дастури. 17.30 «Янги авлод» студияси. «У киём? Бу нима?». 17.50 «Мультшомоша». 18.05 «Учинчи сайёр» маърифий дастури. 18.55 - 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.20 ТВ-анонс. 19.25 Яшанбада қўришунга. 19.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аваз Олимов кўлгайдан. 19.55, 20.45, 22.30 Эълонлар. 20.00 «Жили Леско». Бадий фильм. 12-сериал. 20.50 Ватан ҳақида қўшиқ. 20.55 «Заковат» интеллектуал ўйини. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.35 «Бошис» чавандо ҳақида арсон». Бадий фильм. 00.05-00.10 «Хайрли тун!».

22.00 «Ташриф». 22.30 Кинохит «Мушкетерлар 20 йилдан сўнг». 4-қисм. 24.00-00.05 «Хайрли тун, шаҳрим!».

20.45 «Клпн-совга» Телеаб-риқом. 21.00 «30-каналда детектив соати». 21.45 «30-каналда яшанба анжумани» «Самый уршлар». Фантастик фильм. 24.00 Ярим тунда спорт.

10.20 «Хайрли тонг, қўрғин!». 11.00 «Ўз-Ўзга режиссер». 11.55 «Шаҳарча-ретро». Дай-жест. Дам олиш дастури. 12.35 Федерация. 17.20 «Юма-юз учрашу». 18.30 Кино олами. А. Шварцен-неггер «Учирувчи» жангари фильмида. 23.45 ТВ-премера. М. Парв «Темор суд» жангари фильми-да. 23.00 «Намедин». 00.15 «Қўрғинчолар». 00.30 Чамчиолар лигаси жур-нали.

14.55 «Ўз ўйини». 15.50 «Мон ва итми» дог-шоу-си. 16.40 О. Пушкавин «Аёл ни-гози». 17.20 «Юма-юз учрашу». 18.30 Кино олами. А. Шварцен-неггер «Учирувчи» жангари фильмида. 23.45 ТВ-премера. М. Парв «Темор суд» жангари фильми-да. 23.00 «Намедин». 00.15 «Қўрғинчолар». 00.30 Чамчиолар лигаси жур-нали.

00.30 «Кидирув ишдан шин-инг». Бадий фильм. 02.35 Олдингина 15. 03.30 «Ой тугилган тун». Бадий фильм. 05.45 «Қадронлар». 07.25 Бугунги Европа. 07.55 Анонс.

11.00 REN TV да «Fox Kids». «Диплодоклар». Мультсериал. 11.30 «Симсонлар». Мультсериал. 12.30 «Бабфи». Телесериал. 13.30 «Кино». «Визма». Три-лер. (Франция-Руминия). 15.55 Ҳарбий сир. 16.35 «Кино». «Қолаштирув». Педагогик драма. 18.20 «Опкок ўини» клуби. 19.00 REN TV да «Fox Kids». «Одам-ўрғинчи». Мультсериал. (АҚШ). 19.50 «Ўзоки қўловчилар». Телесериал. 21.00 REN TV да ҳужжатли фильм. 21.30 «Кино». «Ноҳақ айбонлар». Комедия. (АҚШ-Германия). 23.35 Телезўғалар. 23.50 «Кино». «Ишонғини» пор-ладоқлар». Комедия. (АҚШ). 02.15 «Мий дора» К.Лавини-нинг муаллифлиги дастури. 02.50 «The Simpsons Party».



«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошканбой Эгамбердиев номли
Тошкент Давлат цирки
Этти йил шов-мувез!
ТЕЛЕДУМБОКЧАЛАР
ЦИРКДА
2001 йил
28 декабрдан
2002 йил
13 январгача
Барчангизни кутамиз
Томошалар: соат 10, 12, 14, 16, 18, 00 да бошланади.
Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.
Касса дам олиш кунларисиз соат 9.00 дан 19.00 гача ишлайди.
Директор — циркнинг бадий раҳбари, халқаро фестиваллар совриндори Баҳром Мажидов.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!
«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»
Давлат акциядорлик компаниясида вакант ўринларни тўлдириш мақсадида танлов эълон қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
Мурожаат учун телефон: 137-49-51.

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси
Тошканбой Эгамбердиев номли
Тошкент Давлат цирки
2001 йил 16 ноябрдан «ДОРБОЗЛАР»
Хитойда ўтказилган фестивалнинг кумуш совриндорлари хизмат кўрсатган артист Нарзисо АЛИЕВА раҳбарлиги остида КУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР, ЎРГАТИЛГАН КУЧУКЧЛАР, ХИМОЛАЙ АЙИКЛАРИ ВА БОШҚА КЎПГИНА ТОМОШАЛАР ҲАМ БЎЛАДИ
Цирк ҳафтасига уч кун ишлайди.
Томошалар: жума кунлари — соат 18.00 да, шанба ва якшанбада — 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилади.
Ҳақ турлича шаклда тўланиши мумкин.
Касса арталабқи соат 9.00 дан очик.
Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-32-23, 144-29-04.

Тез ва зарарсиз озиш — 100-98-05
Организмни ўтлар ёрда-мида тозалаш — 100-97-05
Семирish ва соғлиқни тиклаш — 100-97-05
Тошкент шаҳар «Киноидео» акционерлик жамияти кекса киноташкilotчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ма-даният ходими, А. Навоий номи-ли Санъат саройининг солиқ раҳбари
Носир Мавлонович ВАСИЛЕВИНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзо-лари ва яқинларига чучук ҳам-дардлик билдиради.

ЕТТИНЧИ ГУЛШАН

(Давоми).

Отаси ўглининг кўнглига мос келадиган моллардан уч юз отга мол юклаб бир неча кўллари унинг хизматига топшириб ўглини тужжор қилиб сафарга йўллади. Улар савдо карвонига қўшилиб, бир неча кун суръат билан йўл юрдилар. Улар юрган йўл — Карбалодек узундан-узун даштлик эди. Бу даштдан ўтишга қар бир тоғ намоен бўлди, бу тоғнинг офатларидан куш ҳам саломат ўтолмасди. У шундай баланд эдики гўё фалакка туташгандай эди. Йўловчи албатта шу тоғдан ошиб ўтиши шарт эди. Карвон ахли бир ерни ўзларига маскан этиб, юкларни тушириб, таом тайёрлашга машғул бўлдилар.

Масъуд ўз от ва молларини тоғнинг юқори қисмига чиқариб, бир ерни ўзига манзил қилди. Масъуднинг қилаётган ишини кўрган карвон ахли уни мазах қилиб дердилар, эй нодон, гўл одам, сен жойлашган ерга чиқиб-тушиш осонми! У савдогарларга қараб, эй ахли тужжор ахир бу юқорини минг динорга сотиб олганман, мен билан ишларинг нима? — дерди. Карвон ахли уни масхаралаб кулдилар. У эса юкларини юқорига чиқариб туширди ва қозон осиб таом пиширмоққа машғул бўлди. Ярим кечада фарбдан булутлар шитоб билан шарқ томон елиб, гўмбурлаб чақмоқ чақила бошлади. Оламни қоронғилик босиб, зулматдан келган хайбатли овозлардан карвон ахлининг юраги ваҳимага тўлди, ҳеч ким бир-бирини кўролмас, турган ерларини ҳам билмас эдилар. Оломон саросимага тушиб хар томонга югурардилар. Шу аснода хар ёндан сел келиб, карвон ахлини гўёки хорхасдек оқизиб кетди ва ҳалокат гирдобига тикди. Бир оз фурсатдан сўнг тонг отиб, кўёш чиққач, Масъуд тунги ходисотнинг натижасини ўз кўзи билан кўрди. Мувоқеъ кечаги карвон ахлидан бирор тирик жонзод кўринмасди. Ҳаммасини сел оқизиб ҳалок этган эди. Масъуд яратганга ҳамду санолар айтиб, ўз-ўзига дерди; биринчи насиҳат ўз фойдасини кўрсатди.


Шундан сўнг Масъуд ўз кишиларига юкларни от-туяларга ортиб йўлга тушишга амр қилди. Улар бир ой йўл юриб, ниҳоят Шохур номли шаҳарга етиб бордилар. Масъуд ушбу шаҳарнинг бозору расталари, маҳаллаю гузарларини кезиб тамошо қилгач, савдога машғул бўлди. У шу шаҳарда истикомат қилиб, бир неча кишиларни ўзига яқин тутиб ўз мажлисига ҳамнишин қилди. Масъуд мол-дунёни қадрламас ва хайр-саховат қилишдан бўшамас эди. У хар кунни базм, айш-ишратга машғул бўлиб, барча мол-мулки ва нақдиналарини аямай сарфларди. Ҳатто кўллари ҳам хар кимга инъом қилиб юборган эди. Ниҳоят, тонгдан шомгача чўзиладиган базмларга сарфланган нақдиналар, Масъуднинг барча мол-мулкани емирди. Ана шундан сўнг, унинг кечаги мажлис ахли — дўстлари секин-аста ундан юз ўғирли кета бошладилар. Тез фурсатда Масъуд бечоралоқ бўлиб қолди. У энди бир амаллаб қорнини тўйғазиш кўйига тушиб қолди. Куруқ қўл билан отасининг хўзурига қайтиб боришга уялар, одамлардан хайр-эхсон сўрашга бўйин ёр бермасди. Шу боис у каллапазга ўт ёқувчи бўлиб хизматга кирди. У шу меҳнат билан тирикчилик қилар ва шу ўтган ғарибона кунларида тангрини бир лаҳза ҳам ёдидан чиқармасди. Фалакнинг меҳрига ҳаргиз ишонманг, унинг таклифига ҳаргиз қувонманг. Бировга бериб ул тахт ила тож, қилур бир дамда бир бурда нонга мухтож. Хар ишда киши тангрига содиқ бўлса, тили ҳам дилига мувофиқ бўлса. Хар қандай мушкулотнинг кушойиши шулдир, кўлга киргай оқибат барча муроди.

Бу шаҳарда ҳашамлик бир қозон кувовчи бор эди. У бойликда, молу мулкда, зебу зийнатда шаҳар бойларининг орасида ягона эди. Унинг юзлаб дўконларию ҳисобсиз қул ва хизматкорлари бор эди. Кўнлардан бир кун у каллапаз дўкони ёнидан ўтаётди, олов ёқиб ўтирган Масъудга кўзи тушди ва бир оз тўхтаб, унинг қилаётган ишини кузатди. Бойнинг юрагида Масъудга нисбатан меҳр-шафқат ҳисси уйғониб, уни ўз хўзурига чорлаб, оталарча меҳрибонликлар қилди ва уни қўлидан ушлаб ўз уйига олиб борди. Бой Масъудга сидқидилдан илҳос қўйиб, уни ўғилликка қабул қилди.

Устанинг бир гўзал ёш хотини бор эди. У хотин Масъудни кўриб, ўз ҳаловатини йўқотди. Неча хил тadbирлар ишлатиб, Масъудни ўзига ром қилишга уринди. Аммо Масъуд туз ҳақини сақлаб хотиннинг юзига тик боқмас, унинг барча қилган макр-хўйлаларига чал бериб юрарди. Хотин ўзи уйлаган лаззатлардан ком олиб баҳраманд бўлолмагач, энди Масъуддан қасд олишга жазм қилди. У эрининг хўзурига кириб, Масъуддан шикоят бошлаб деди: эй вафодор ёрим, менга сендан бошқа ҳеч ким керакмас, менинг давлатим, иқболим фақат сенсан. Аммо, сен бир бебош, бузуқини ўзингга дўст тутиб, боз устига уни фарзандликка қабул қилибсан. У нокас эса тузингни еб, тузлингга тупуриб, энди ширин ошингга захар солмоқчи. У мен билан ишқибозлик ўйинини бошламоқ учун кўп ҳаракат қилди. Аммо мен бу ишга кўнмадим. У эса бошимга шамшир билан уриб, ҳаёт гулшанимни қуритмоқчи бўлди, бироқ неча макр-хўйла билан қутилиб қолдим. Бу сўзни эшитган устанинг ҳуши бошидан учди, рашқ ўти жисмига туташди. Устанинг ғайрати жўш уриб, сабр-тоқати қолмади.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).

Сўранг, жавоб берамиз



Уй-жой олди-сотди шартномасини тузганда давлат божи қандай миқдорда ундирилади?

М. Усмонов

Уй-жойнинг олди-сотди шартномаси нотариал тартибда тасдиқланганда давлат божи томонларнинг шартномала кўрсатилган суммасидан 10 фоиз миқдорда (агарда яқин қариндошлар ўртасида бўлса 1 фоиз) ундирилади, лекин шартномада кўрсатилган қиймат шу ишга мутасадди идоралари кўрсатган инвентар баҳосидан кам бўлмаслиги керак.

Мен турмуш ўртоғим билан фельдмит тўғри келмаганини сабабли буювнинг уйига кўчиб келдим. Кўп ўтмай буюм оламанг ўтдилар. Буюм вафотларидан олдин уйни амакким расмийлаштириб берсан эканлар. Амакким эса биздан уйни бўшатиб беришимизни талаб қилаётдилар. Менинг кўчиб борадиган жойим йўқ. Айтишчи, бу уйда менинг ҳам ҳаққим борми?

Ф. Салимова

Агар уй ҳозирги вақтда амакингиз номига расмийлаштирилган бўлса, сиз шу хонадонда рўйхатда бўлсангизгина сизга шу хонадонда яшаш ҳуқуқи бор.

Мен бир ташкилотда 29 йилдан бери ишлайман. Ишхонадан икки хонали квартира олганимдан сўнг турмушга чиққанман. Турмуш ўртоғим билан 8 йил бирга яшадик. Иккита фарзандимиз бор. Лекин шу вақтга қадар турмуш ўртоғим менинг квартирамга рўйхатдан ўтмасан. Ҳозир биз ажрашганимоқчимиз. Ажрашганимиздан сўнг квартира бўлинадими?

Х. Юрсов

Ниҳоқ бекор қилингандан сўнг эр-хотиннинг умумий мол-мулки, яъни ниҳоқ даврида орттирилган мулк (Оила кодекси 23, 24-моддалар) албатта бўлинади. Сиз квартирангизни ниҳоқга қадар олганингни учун у сизнинг шахсий мулкнингиз ҳисобланади. Унда эрингизнинг ҳеч қандай улуши йўқ.

Ун уч ёшли ўғлимни фуқаролик иши бўйича гувоҳ сифатида судга чақирдишати. Воқеа етмаганлар учун сўроқ қилишнинг алоҳида тартиби борми ёки ҳаммага нисбатан бир хил тарзда муносабатда бўлинадими?

С. Муродов

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 185-моддасига мувофиқ судга раислик қилувчи воқеа етмаган гувоҳларга иш бўйича унга маълум бўлган нарсаларни ҳаққоний баён қилиб беришни тўшунтирилади, лекин рад этиш ёки кўрсатма беришдан воз кечиш, ёлгон кўрсатма берганили учун жиноий жавобгарлик тўғрисида оғоҳлантирмайдилар. Ун тўрт ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда, шунингдек ун тўрт, ун олти ёшгача бўлган гувоҳларни суд томонидан сўроқ вақтида мутахассис (педагог) зарур бўлган ҳолларда унинг ота-онаси ёки ҳомий кишилари таклиф этилади. Мазкур ўртоқлар раислик қилувчининг рухсати билан гувоҳга савол бериши мумкин. Ун олти ёшга тўлмаган гувоҳларни сўроқ қилиш вақтида алоҳида ҳолларда ишда қатнашаётган юқоридеги кишилардан биронтасидан суд залидан чиқиб туриши ҳам сўралади. У киши суд залига қайтиб келганидан сўнг унга гувоҳ берган кўрсатма ўқилиб, гувоҳга савол бериш имкони берилади. Воқеа етмаган гувоҳ сўроқ қилингандан сўнг суд унинг бундан кейинги иштирокини лозим топмаса, суд залидан қўйиб юборилади.

Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва тахририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонига қўнғирок қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

Сўнгни пушаймондан фойда йўқ

Табиятда бир неча хил офатлар мавжуд бўлиб улар орасида энг ёмон ўт балосидир. Мақоламизни шу тарзда кескин бошлаш ниятимиз йўқ эди. Лекин қанчалик аччиқ бўлмасин ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Буни кўйидаги рақамлар ҳам тасдиқлаб турибди. Шу йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида биргина Акмал Икромов туманида 140 дан ортиқ ёнғинлар содир бўлиб ушбу фалокат оқибатида давлатимизга 1,5 миллион сўмликдан зиёд зарар етказилди. Ёнғ ачинарлиси, уларда икки киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Олти киши турли даражада тан жароҳати олди. Булар ичида ёш болалар ҳам бордир.

Ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан ўтказилаётган тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жойларда келиб чиқаётган ёнғинларнинг 95 фоизи ўша қорхона ва хонадон эгаларининг ёнғин қонунқондаларини билмасликлари, ёки бўлмаса лоқайдликларининг «меvasи»-дир. Айниқса бундай ҳолларни айрим йирик қорхоналарда кузатиш ачинарлидир. Худди шундай ҳолатларни аҳоли турар жойларида ҳам кузатиш мумкин. Фуқароларимиз кўпинча ўз уйларида таъбирларга яраша ўзбошимчилик билан таъмирлашларни пайтида ёнғинга қарши қартилган қонунларга амал қилмайдилар.

Ҳозирги кунда республикамиз ҳудудида ёнғин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида «Ёнғин Хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Шу йилнинг 15 ноябрдан бошланган ушбу тадбир 15 декабргача давом этади. Ёнғин хавфсизлиги ойлигини самарали ўтказиш албатта хар бири-мизнинг савий-харакатимизга боглиқ. Уйлаймизки, бу мумкин ишдан ҳеч ким четда қолмайди.

Б. ЮНУСОВ,
Акмал Икромов тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи.



Богда сайр.

Ҳажиб дунё

Боши кетган бургут

Маҳалламиз томон яқинлашиб келаётганимда, бир бегона йигит мен билан саломлашиб, маҳалладошларимдан бирининг уйини сўради. У кидираётган ўй қаердалигини тўшунтириб, нима мақсадда у хонадонга келаётганини сўраганимда, хикосини бошлаб шундай деди:

Мен излаб келаётган ўша одамни бундан олти ой аввал бургут қўнган эди. У одам хар уч ойда бизнинг рўйхатимиздан ўтиб туриш керак, вақтида бормагани учун уйига келишга мажбур бўлдим.

Мен ана хайрон бўлиб сўрадим:
— У одамни қандай қилиб хайхотдай бургут қўқиши мумкин?

— Сўхбатдошим яна сўзида давом этди:
— Мана кўрдингизми, бир маҳаллада яшаб сиз ҳам билмас экансиз. Уша маҳалладошингиз уйда уч-тўрт талаб бургут боқар экан. Жамли чиққан бургутлардан бири эгасини захарли тумшуги билан чўкиб олгач, бургут эгаси болта билан бургут бошини чопиб ташлаган. Республикада бургут қўнганлар камдан кам учраб туради. Аммо унинг олдини олмаса ноҳус оқибатларга олиб бориши мумкин.

Кейин сўриштириб билсам, маҳалламизда бургут боқадиган бир хонадон бор экан. Бургутни фақатгина чўлу биёбонларда эмас, чўқишига чидаса шаҳарларда ҳам боқиш мумкин экан.

Томоққа тиқилган қурт

Қариндошларимиздан бирининг янги тушган келини кўёв олиб келган ёғлиқ кўртлардан бирини шимаётганида қурт хонивор келин бечоранинг томоғига тиқилиб қолди.

Бир уй одам додираб қолганидан бири у томон — бири бу томон югуриб, улардан бири «тез ёрдам»га қўнғирок қилган экан. Етиб келган «тез ёрдам» ҳам нима қилишини билмай, янги келини зудлик билан янги ТошМИга олиб борибди. У ерининг қабулхонасида келиннинг ахволини кўрган бир хамшира унга ярим пивела сув узатиб, ичирини билан ёғлиқ кўрт ўз йўлини топиб кетиб, келин ўз ҳолига келибди.

Ниҳоятини эсгаётган боғи хамшира келин билан келган яқинлари ҳамда «тез ёрдам»даги ҳамкасбларига қараб:

— Наҳотки шунча йўл босиб келгунча, йўл-пўлда бир хўпма сув топилмаган бўлса, — деб, келинга алоҳида тайинлаб, — бундан кейин қурт шимшидан аввал хар аҳтимолга қарши ёнғинига бир пивела сув турсин! — деган экан.

Саидмурод САИДАХМАД

Шарқ дурдоналари



СЎЗИНГНИ БАРЧАГА ШИРИН ҲАЛВО ҚИЛ...

Унинг ишлайдиган хонаси менинг хонамга яқин эди. Бир куни йўлакдан бақирик-чақирик овозлари эшитилиб қолди. Хона эшигини очиб, кулоқ солдим. Халиги аёлнинг овози эди. Яқин бордим. У машҳур шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисовга қичқиради, ўдағайлар, қўлидаги қоғозни силжитар эди. А. Ирисов эса ҳайрон бўлганича гапирмоқчи бўлар, бироқ оғзидан сўз чикмас, аёл эса оғиз очгани кўймак эди.

Одамлик шевасин, келгил, адо қил, Сўзингни барчага ширин ҳалво қил. Ўзиндан кичикка шафқат қилгину, Ўзиндан каттага ҳурмат бажо қил. Абдусодиқ ака чиқиб кетгач, аёлнинг олдига кирдим. — Нима гап? — деб сўрадим. — Кўрмайсизми? — деди тўтоқиб у. — Ҳадеб менга иш олиб келаверади. Институтда бошқа одамлар қуриб қолибдими? — Шу гапни отангиз тенги, бунинг устига обрўли бир олимга бақирмай айтсангиз ҳам бўлади-ку! — Ажаб бўпти! — деди у. Жаҳлим чиқиб, қаттиқ гапириб юбордим, панду насиҳат қилдим.

— Насиҳатларингиз жонга теғди! — деди у ва шу кундан бошлаб мен билан саломлашмайдиган бўлди. **Тўғри сўздан кимдир дилшоҳ бўлади, Кимдир эзилди, ношоҳ бўлади. Биров сенга ҳақни сўзласа шод бўл, Ҳақ сўздан ҳаётинг обод бўлади.**

Орадан ярим йилча ўтгач, у ишдан бўшаб кетди. Кунлардан бир кун олдимга институт коменданнти Умринисо кириб келди. Халиги аёл Умринисони жуда ёмон кўрарди. Умринисо аввал бизнинг бўлимда машинистка бўлиб ишлар ва менинг хонамда ўтирар эди. Шунда: «Шу аёлни ёмон кўраман, у билан бир хонада қандай ўтирасиз?» — дер эди. Кейин Умринисони комендантликка тавсия қилди. Айни пайтда у Қўлёзмалар фондида ҳам фаррошлик қилар эди. Бир куни тасодифан фондга чиқсам, Умринисо сархуш ҳолда фонд ичини супуриб-сидириб, латта билан артиб юрган экан. Куппа-кундуз куни, иш пайтида сархуш ҳолда минг йиллик муборак қўлёзмалар ичида юргани учун уни фаррошлиқдан бўшатиб юбордик. Умринисо хафа бўлиб, менга нисбатан яна бир-икки марта беодоблик қилди.

Боболар мероси кўзимиз каби, Ҳурмати айтилган сўзимиз каби. Олтидан ҳам киммат ҳар бир varaги, Асрайлик уларни ўзимиз каби. Кейинги пайтларда Умринисо кўп касал бўладиган бўлиб қолди. Топган пули дорига кетарди. Юқорида айтган аёл бўшаб кетаётган куни Умринисо билан тил топишиб қолибди. Кучли душманга қарши оддий душманлар вақтинча бирлашгани каби, Умринисо мени халиги аёлга, аёл эса Умринисога ёмонлабди. Охири Умринисога:

— Сиз тузалмас дардга йўлиқсансиз, негаки Маҳмуд ака сизни ўлдирадиган дуолар ўқимоқда, — дебди. Умринисо дилдан таманно қилиб, кечиришимни сўради ва аёлнинг юқоридаги сўзларини айтиб берди. Мен нима қилишимни ва нима дейишимни ҳам билмас эдим. Охири: — Сиз ўлдирिशга арзийдиган бирор айб қилганмисиз? — дедим. — Айбим бор, лекин...

— Мен ёзиш-чизишга етарли вақт тополмасдан шанба ва яшанба кунлари ҳам институтга келиб ишлайман, кечалари уйда ишлашимни айтмай қўя қолай. Мен одатда ўзимга яқин бўлмаган нотаниш бир одамнинг ўлганини эшитсам ҳам, қаттиқ изтиробга тушман. Сиз билан эски танишимиз, кўп йилдан буён бирга ишлаймиз, нахотки мен сизни ўлдирिशга жазм қилсам...

Умринисо сўзимни тугатмасидан йиғлаб юборди, сўнг: — Етарли, домла, ишондим, — деди. Сўнг хурсанд бўлганича чиқиб кетди. Ишхонадагилар халиги аёлни «чаён» дейишар эди, мен бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. **Ҳар ишда газаби тугён бўлмагин, Заҳари тилида пинҳон бўлмагин. Сабру таҳаммулни пеша қил доим, Думни гажақ қилиб, чаён бўлмагин.**

Маҳмуд ҲАСАНИЙ

«Менга барибир эмас, сенга-чи?»

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан ВИЧ, ОИТС ва гивъандлик билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилаётган ёрдам ҳажми сўнги беш йил мобайнида йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда ОИТС, яъни орттирилган иммунитет танқислиги синдроми — ОИТС эпидемияси жамият учун канчалик хавф солаётганлигидан ҳукуматлар, фуқаролик жамиятлари ва софдил кишилар яхши хабардор қилинган.

Маълумки, ОИТСга қарши кураш соҳасида стратегик ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган ва бу соҳада олиб борилаётган сиёсат шакллантирилган эди. Шунга яраша кунунлар ва ҳуқуқий база ҳам ўзгарди. Энди ушбу муаммо фақатгина соғлиқни сақлаш сенаторига тааллуқли бўлибгина қолмай, балки ушбу муаммони ҳал қилиш учун турли соҳа сенаторларида мулоқот ҳамда турли вазирликлар, ҳукумат ва айнқиқа, жамиятнинг барча қатламлари биргалликда ҳаракат қилишлари зарур эканлигини ҳамма ташуниб олган вақт етиб келди. Ҳозирги вақтда бундай мулоқот ўтказиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш механизми ишлаб чиқилмоқда. Бироқ ВИЧ, ОИТСга қарши ва гивъандликка қарши кураш олиб бориш учун ҳозирча мамлакатларнинг имкониятлари етарли даражада эмас.

Бундай ҳол қисман иқтисодий қийинчиликлар ҳамда ўтиш даврига хос бўлган — молиявий маблағлар етишмаслиги билан изоҳланади. БМТнинг тематик гуруҳи ЮНЭЙДС билан ҳамкорликда изчиллик билан муттасил равишда олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот фаолияти аста-секинлик билан бўлса-да, аниқ ҳаракат қилиб, тобора кучга тўлиб бормоқда ва

бу ишлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Жорий йилда ОИТСга қарши олиб борилаётган Умумжаҳон компаниясининг шиори: «Менга барибир эмас, сенга-чи?» деб аталди. «Эр-кақлар ва ОИТС» деб аталган жорий йил компаниясининг умумий мавзуси доирасида ўтказиларидиган ушбу тадбирда, илгариги масалаларда ҳам, барча куч-гайратларимизни бирлаштириб, бир мақсадга қаратишимиз лозим. Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни — яъни 2001 йилнинг 1 декабрида бу вазифа энг юқори чўққига кўтарилди.

Бу йилги «Менга барибир эмас, сенга-чи?» шиори барча соҳаларга қўллаша бўладиган ширордир. У ҳар иккала жинсдаги кишиларга ҳамда турли ёш гуруҳларига тааллуқли бўлган масалаларни қамраб олади.

Марказий Осиё минтақасидаги ҳар бир мамлакат донорлар ва тадбирларни ўтказиш учун масъул бўлган ҳамкорлар 2001 йилда ОИТСга қарши Жаҳон компаниясини қўллаб-қувватлашга мўлжаллаб амалга оширилган тадбирлар, ҳаракатларни муҳокама қилиш ҳамда иш режасини тайёрлаш учун учрашадилар. Минтақанинг ҳар бир мамлакатига ишчи гуруҳлари тузи ган.

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан

БУГУН

шаҳар Саломатлик марказида «Оламшумул муаммо, оламшумул ҳаракат» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар ҳозирги кунда долзарб муаммога айланган, инсоният ҳаётига катта хавф тудираётган касаллик ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма


Азиз оқшомхон! Куйида таърифланган сўзларни шаклдаги рақамли хонадан бўйига йўналишида ёзинг.

1. Макка шаҳри яқинидаги муқаддас водий. 2. Сўз кўрки. 3. Эртатишар ҳўл мева. 4. «Уткан кунлар» романи қахрамони. 5. Назмий асар тури. 6. Амир Темури ҳикмати-дан: «Адоват эмас... енгади». 7. Елик эгри чизик. 8. Халқ латифаларининг азалий қадромони. 9. Ҳўл мевадан тайёрланадиган ичимлик. 10. Косибчиликнинг маълум бир соҳаси касбиги. 11. Утмишдошлар хотирасига бунёд этилган обида. 12. темирйўзода ҳукмдор, буюк мунажжим. 13. Савдо-сотиқ билан шуғулланиш фаолияти. 14. Киши юрса

адашиб қолувчи сирли йўл. 15. Қумлик ўсимлиги. 16. Ранго-ранг кўри-нишдаги само ходисаси. 17. Сўз санъати. 18. Л.Н.Толстой романи. 19. Ширинлик тўловчи хашарот. 20. Кўклам кўкати тури. 21. Махсулотнинг иш ҳақи ва ишлаб чиқариш харажатларидан иборат баҳоси. 22. Бир-бирига ўтказилган металл халқалар тизмаси. 23. Адабий мерос, ривоят. 24. Миллий мусика асбоби.

Энди шаклнинг айланаларига ёзилган харфларни анига йўналишида ўқинг. Улардан аён бўладиган сўзлар шарҳ халқ ҳикматларига мансуб.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг шу йил 23 ноябрь сонидан берилган бошқотирманинг жавоблари:

Ёйлар бўйича ўнға: 1. Каска. 3. Аъна. 4. Висол. 6. Аллома. 7. Кант. 9. Остона. 10. Брасс. 12. Кабиса. 13. Ақиқа. 15. Намуна. 16. «Инсон». 18. Исфара.
Ёйлар бўйича чапга: 1. Косон. 2. Искана. 4. Ванга. 5. Устара. 7. Кулол. 8. Тарона. 10. Бисот. 11. Камола. 13. Аванс. 14. Лирака. 16. Ижара. 17. Ускуна.
Ёйлар бўйича: 19-20. Радар. 20-21. Расад. 21-22. «Дамас». 22-23. Сафар. 23-24. Фараз. 24-19. Зафар.

БИЛАСИЗМИ?

◆ Соатнинг сонияси бир айланиб чиққанида, ерга 6000 юлдуз учиб тушади.

◆ Табиатда умр бўйи оёғида тикка туриб яшайдиган жониворлар бор. Улар — филлар. Африкада катта филларнинг ер бағирлаб ётишини халигача ҳеч ким кўрмаган. Улар баъзан чаганидагина узун тишлари билан даррахга суяниб туриб ухлайди.

◆ Илонлар кўпинча сичқон, чивин, пашша, зарарли курт-қумурскаларни овлаб ёйди. Ҳиндистонда баъзи илонлар билангонлик қилиб, ўзидан ёруғ чиқарадиган тош топиб, кундуз оғзида сақлаб, кечаси текис ерга қўйиб, шунинг ёруғига тўпланган пашша, чивинларни ер экан.

◆ Кутб ҳудудларда ўта паст ҳароратда «Қум қорнинг» ёғиши кузатилган. Бу қор ўта майда ҳамда қаттиқ бўлгани учун унинг устидан чанғида ҳам, чана устида ҳам юриш мумкин.

◆ Одам бошидаги соч сони ҳақ хил бўларкан. Масалан, қора одамларнинг сочи 150 минг дона бўлса, оқ-сарик одамларнинг сочи ҳам ингичка, ҳам 80-100 минг бўлади. Ҳар бир соч икки йилдан тўрт йилгача яшайди. Одамнинг сочи миқти бўлади. У фақат темирдан, бронзадангина ўсал бўлади. Аёлнинг 200 минг дона сочи 2 тонна, бир дона сочи 120 грамм юк кўтаради.

◆ Оламдаги энг чуқур кўл — Байкалда жониворлар ва ўсимликларнинг 1700 хили бор.

◆ Дунёдаги энг узун шаршара Венесуэлада. Уни Анхель деб аташади. Сув 1054 метр баландликдан тушади.

Қидирган ТўЛАБОВ тайёрлаган.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзиллари: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усунди босилди.
2668 нускада босилди. Қоғоз бирими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот ҳўнитмасида 10-ривази билан рўйхатда олинган

Нашрият етказиб бериш мақсадлари бўйича турли жойлардаги почта бўлимларига «Ўшкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-маъбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.